

ТИЛШУНОСЛИКДА ОППОЗИЦИЯ АТАМАСИ ХУСУСИДА

И.У.Тожибоев

НамДУ Таянч докторанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10020646>

Ҳозирги замон тилшунослигининг асосчиларидан бири Фердинанд де Сосюр ўз даврида тил механизмининг фақат ўхшашлик ва тафовутлар атрофида айланишини ёхуд тилнинг айнанлик ва фарқлиқлардан иборат эканлигини кўрсатган ҳолда тилшунослик учун фарқлиқларни ўрганиш катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаган эди(1;141). Дарҳақиқат, ҳозирга қадар фаолият кўрсатган анъанави тилшунослик тил қурилишини зиддиятларга (бинар оппозицияларга) ажратиб ўрганишга алоҳида эътибор қаратган бўлса, ҳозирги давр эса зиддиятлар орасидаги ўхшашликларни тадқиқ қилиш вақти етганлигига ишора қилмоқда. Бошқача айтганда, тил ҳодисалари таҳлилида бинар оппозициядан кўп аъзоли (политомик) градуал оппозицияга ҳам ўтиш зарурияти юзага келмоқда.

Маълумки, моддий борлиқдаги нарс ва ҳодисаларнинг ўзига хос хусусиятларини билишда қиёслаш катта роль ўйнайди. Олдин ўрганилган объектни янги ўрганилаётган объектга қиёслаш билишнинг энг асосий усулларида биридир. Маълумдан номаълумга ўтиш аслида икки предмет (белги) орасида ўхшашлик ва фарқлиқ белгиларини зидлаш (қаршилантириш) орқали амалга оширилади. Билишнинг қиёс асосида ташкил этилиши нарсани (ҳодисани) энг ибтидоий билиш усули билан боғлиқ бўлган “шу белгига эга”, “шу белгига эга эмас” каби муаммоли тафаккур билан боғлиқ эканлигини кўрсатади. Инсон ўз ҳаётини билиш йўлини фарқли жуфтлик усули асосида ташкил этган. Биз буни дунёни билиш таълимотига хизмат қилувчи ҳозирги илмий тушунчаларнинг бинар усул билан шакллантирилганлигида, яъни инкорни инкор, қарама-қаршиликлар бирлиги ва кураши, миқдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига айланиши қонуниятлари қурилишларида, категорияларнинг жуфтлик асосида талқин этилишида (сабаб-оқибат, мазмун-шакл, моҳият-ҳодиса, зарурият-тасодиф, бутун-бўлак, яхшилик-ёмонлик, гўзаллик-хунуклик, хурсандлик-ҳафалик каби) кўришимиз мумкин.

Тилшунослик ҳам оддий мантиқнинг иш услубидан фойдаланган ҳолда ўзининг эмпирик босқичига оид изланишларини олиб борди. Хусусан, лексика ва морфология соҳаларида фарқловчи (дифференциал) белгилар, чегаралар масаласи муҳокама қилинди, фонемалар, луғавий бирликлар, грамматик формаларнинг алоҳидалик, айнанлик белгиларини англашга имкон берувчи этимологик изланишлар кенг йўлга қўйилди, гап бўлакларига (синтаксисга) нисбатан сўз туркумлари (морфология) кўпроқ тадқиқ этилди. Бу даврда тилшунослик соҳалари (фонетика, лексикология, морфология каби) ажратиш муаммолари асосий кун тартибида бўлди. Шунингдек, жаҳон тилларини турли оилаларга, типларга ажратишга зўр берилди. Хуллас, юқоридаги каби аналитик тадқиқотлар ҳукмронлиги пировардида тилшунослик мустақил фан сифатида янада яқолроқ шаклланди. Кўриниб турибдики, бу давр учун Фердинанд де Сосюрнинг тил фарқлиқлардан иборатдир(1;152) деган қараши ҳукмрон эди.

Ҳозирги даврда турли фанларнинг умумий тушунчасига айланиб қолган “бинар” атамаси (французча *binare* – икки нарсдан иборат) аслида оддий (формал) мантиқда

икки миқдор, икки объект, икки ифода орасидаги муносабатнинг умумий тушунчаси учун қўлланган бўлиб, унинг хусусий ҳолатларини конъюнкция, дизъюнкция, импликация, эквивалентлик каби кўринишлар ташкил этади. Шунингдек, ҳозир мантиқда қўлланувчи “бинар операция”, “бинар интенционал боғланиш”, “бинар функция”, “бинар муносабат” каби атамаларда ҳам “бинар” термини “икки нарса ёки ҳолатнинг ўзаро муносабати” мазмунида қўлланишга эга.

Дихотомия (грекча *dicha* ва *tome* – иккига қирқиш) билишнинг махсус йўли бўлиб, бунда нарсалар маълум белгига эга эканлиги ёки эга эмаслигига кўра икки гуруҳга ажратилади. Дихотомиянинг мантиқий асосида тушунчалар орасидаги мазмуний муносабатларнинг сиғишмайдиган турига оид зидлик алоқадорлиги ётади(2;98). Бу муносабатда тушунча ҳажмлари ўзаро сиғишмайди. Ушбу муносабат маълум умумийликка эга бўлган тушунчалар орасида мавжуд бўлади: ширин – ширин эмас, баланд – баланд эмас. Бундай ҳолатларда ҳамма вақт инкор этувчи тушунчанинг (ширин эмас) мазмуни номаълум бўлиб қолади ва бу қисм кўпинча тадқиқотчи учун номуҳим саналади. Бундан кўриниб турибдики, дихотомия бинар муносабатнинг хусусий кўриниши бўлиб, ўзининг алоҳида мазмун турига ва билиш мақсадига эгадир.

Умуман, дихотомик бўлиниш (тасниф) тушунча ҳажмини учинчиси истисно қоидаси бўйича икки қисмга ажратишдир. Бошқача айтганда, шундай иккига бўлиш ҳақиқий дихотомик ҳисобланадики, бунда бўлинган жуфт қисмлар бир-бирига нисбатан мантиқий жиҳатдан батамом қарама-қарши бўлиб, бу зидликлардан бири (одатда олдингиси) бўлиш асоси ҳисобланади. Масалан, барча инсонларни “эркаклар” ва “эркак эмаслар” га (эркаклик белгисига кўра) бўлиш ҳақиқий дихотомик, лекин бу кўпликни “эркаклар” ва “хотинлар” (“жинс” белгиси бўйича) гуруҳларга ажратиш дихотомик бўлиш ҳисобланмайди.

Кўриниб турибдики, дихотомик усул билишнинг маълум кўламдаги йўналишини яъни жинсдан турни, бутундан бўлакни ажратиш (билиш) олинишини кўзда тутати. Бошқача айтганда, дихотомия билишда хусусийликдан умумийликка, бўлакдан бутунликка бориш усулининг бир кўринишидир. Мантиқий дихотомия асосида шакллантирилган лисоний дихотомик тасниф усули тил тадқиқи доирасида ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Кўп тилшуносларнинг фикрича, дихотомик тасниф тилнинг умумий қурилиш табиатини эмас, балки унинг маълум қисмини бинар оппозициялардан ташкил топган ҳолатларинигина тўғри тушунтириб бера олади. Шунинг учун тилшуносликда тил яхлит структурасининг бутун борлигини ялпи бинар таснифлар орқали тушунтириб беришга уриниш кўп ҳолларда сунъийликдан бошқа нарса эмас, деб ҳисоблайдилар.

Айрим тилшунослар уч ва ундан ортиқ аъзоли тил қурилиши ҳолатлари дихотомик (бинар) усулидан фойдаланишни инкор этмайди, аксинча, бу усулнинг қўлланилиши тадқиқотларнинг янада каттароқ аниқликлар билан олиб борилишини таъминлайди, деган фикрни илгари суришади.

Умуман, дихотомик таснифнинг тилшуносликда қўлланилиши ва унга қизиқишнинг ортиб бориши ҳозирги даврда тобора бир-бирига яқинлашиб бораётган мантиқ ва тилшунослик фанларининг бир туташуви нуктасигина холос. Шундай экан, мантиқ фанида қўлланувчи “бинар”, “дихотомия”, “оппозиция” каби илмий атамаларни тилшуносликда ўзига хос аниқлов ва чегараланишлар билан ишлатиш тил

назарияларининг аниқлигини янада оширишга хизмат қилади. Биз шулардан келиб чиқиб, ишимизда ўзаро турли-туман муносабат асосида боғланишга эга бўлган ҳар қандай икки тил (нутқ) бирлиги муносабатига бинар муносабат сифатида қараймиз. Унинг ички мазмуни тилшуносликда айнанлик (дублетлик), антонимлик, паронимлик, тенг муносабат, эргаш муносабат, эга ва кесим муносабати, аниқловчи-аниқланмиш боғланиши каби турларни ўзига қамраб олади.

Бинар ва дихотомик муносабатлар “оппозиция” тушунчаси билан боғлиқдир. Оппозиция “қарши қўйиш” демакдир(3;289). Бу термин кенг ва тор маъно касб этган. Кенг маъносида “фарқланувчанлик” муносабати учун ҳам қўлланилади. Хусусан, С.Трубецкой “оппозиция” атамасини дастлаб шу кенг маънода ўз фонологиясига олиб киради ва бунинг асосини қуйидагича шарҳлайди: “Тилда ифодаловчи маълум миқдордаги элементлардан ташкил топган бўлиб, буларнинг моҳияти уларнинг ўзаро фарқланишидадир”(4;18). Ҳар бир тил бирлиги ўзида маъно фарқловчи товуш белгиларига эгаки, буларсиз уни бошқа тил бирликларидан фарқлаб бўлмайди. Икки сўзни маъноларини фарқлай оладиган товушлар қарама-қаршилигини биз фонологик оппозиция ҳисоблаймиз(4;38).

О. С. Ахманованинг лингвистик терминлар луғатида ҳам оппозиция тушунчасининг “фарқлилик” тушунчаси ёрдамида изоҳланганлигини кўрамиз(5;365).

Шундай қилиб, А.В.Исаченко кўрсатиб ўтганидек, оппозицияга оид дастлабки таълимотларда фарқлилик (кучсиз фарқланиш, ажралиш) ва қарама-қаршилик (кучли даражадаги фарқлилик ёки зиддият, контраст) маънолари ўзаро изчил фарқланмай қўллана берган(6;38).

Ю.С. Степанов “оппозиция” тушунчаси остида фақат кучли қарама-қаршилик (зидлик) эмас, балки фарқлиликлар ҳам ётиши мумкинлигини кўрсатиб ўтади: “Агар икки сўз ўз маъноларида ҳам умумий, ҳам фарқли белгиларга эга бўлиб, бу белгилар яққол ва уларни санаб кўриш мумкин бўлса, бу сўзлар ” (масалан, ака-сингил) ўзаро оппозицияни ташкил эта олади. Структура доирасидаги ҳар қандай икки элементнинг ўзаро муносабати оппозиция дейилади. Оппозиция таркибида икки аъзо учун умумий асос (синонимия) ва фарқлилик (антонимия) мавжуд бўлади (7;44).

А.В.Исаченко “фарқ” (различие) тушунчасининг оппозиция (противопоставление) тушунчасидан кенглиги, бу тушунчаларни бир-бирига айнан тенглаштириб бўлмаслигини тўғри таъкидлайди (8;42-43).

Н.С.Трубецкой фарқлиликларни асосан икки йўл билан ўрганишга ҳаракат қилади: а) оппозициялараро муносабатларни тадқиқ этиш; б) ҳар бир оппозицияга хос бўлган ички муносабатлар ёки оппозициялар ташкил этилишидаги ички фарқларни ўрганиш. Ҳар бир фонеманинг мазмунини ташкил этувчи муҳим белгилар оппозиция нуқтаи назаридан таснифланганда ёки, бошқача айтганда, фонемалар уларнинг ораларидаги соф мантикий муносабатлар бўйича гуруҳланганда приватив, градуал ва эквиполент оппозициялар юзага келади. Приватив оппозициялар бир аъзоси муайян белгига эга бўлган, бошқа аъзоси худди шундай белгига эга бўлмаган оппозициялардир. Масалан, лабланган-лабланмаган, жарангли-жарангсиз каби. Бунда белгининг мавжудлигини кўрсатувчи аъзо белгилари йўқлигини билдирувчи аъзо эса белгисиз ҳисобланади (5;83).

Бир белгининг турли даражаларини (босқичларини) ифодаловчи оппозициялар градуал оппозициялардир. Бунда белгининг икки чегарадаги даражаларини (энг оз ёки энг кўп) акс эттирувчи аъзолар чекка, оралиқ аъзолар эса ўрта аъзолар ҳисобланади. Бу оппозицияларга, маслан, унлиларнинг оғизнинг очилиш даражаси билан ҳосил бўлган изчил турлари орасидаги муносабатлар мисол бўла олади (5;84) .

Ниҳоят, эквиолент оппозицияларни ҳар икки аъзоси мазмуний жиҳатдан тенг кучли бўлган, яъни бирор белгининг даражаланиши ҳам бўлмаган ёки маълум белгининг мавжудлигини ёки, аксинча, инкорни ифодаламайдиган оппозициялар ташкил этади.

Приватив, градуал ва эквиолент оппозицияларнинг ўзаро муносабатларига назар ташласак, булар ичида приватив оппозициянинг фарқлаш имконияти градуал ва эквиолент оппозицияларга қараганда катта эканлигини кўриш мумкин. Зеро бу оппозиция механизми асосида махсус тарздаги дихотомик усул (А-А эмас) ётган бўлиб, бу йўл билан белгининг кучли, ёрқин ҳолати ажратиб олинади. Сабаби, табиийки, белгидаги ёрқин қисм фарқловчилик вазифасини бажаради.

Приватив ва градуал оппозициялар орасида маълум жиҳатдан боғланиш бор. Бу ҳолат ҳар икки оппозиция турининг ҳам маълум белгига эгаликни қайд этишларида кўринади. Приватив оппозиция маълум белгини шу белгининг мутлақ инкори асосида қайд этса, градуал оппозиция маълум белгини шу белгининг кучли ёки кучсиз даражасига зидлаш йўли билан қайд этади. Кўпинча градуал оппозициянинг ўрта аъзоси эмпирик билиш йўлида номуҳим деб топилгалиги учун субъектив тарзда мутлақ инкор қилинади. (дихотомик йўл билан сунъий кесиб ташланади) ва шу асосда градуал оппозиция приватив оппозицияга айлантирилади. Шунингдек, градуал оппозициянинг ўзига хос хусусияти унинг очиқ инкор ёки манфий белгилар билан иш кўрмаслигидир. Градуал оппозиция талқинида бевосита фарқлиликлар учун хизмат қилувчи айнанликлар (ўхшашликлар) муҳим аҳамият касб этади. Сабаби уч ва ундан ортиқ оппозициялар ораларидаги фарқларни уларни бирлаштириб турувчи айнанлик (ўхшашлик) муносабатлари тушунтириш мумкин бўлади. Номалум белгини бевосита аниқлаш, изоҳлаш нуқтаи назаридан энг кам махсули эквиолент оппозициядир. Ушбу оппозициянинг ташкил этилиш асоси ҳам бевосита шунга ишора қилиб туради.

Шундай экан, ўз-ўзидан тушуниладиги, кенг кўламли эквиолент оппозициятор кўламли оппозицияларга айлантирилиши мумкин. Масалан, бой – камбағал оппозициясини олиб кўрайлик. Агар бу оппозиция аъзоларига нисбий бутунликлар, мазмуний тенг кучлиликлар, яъни ҳар бир асоснинг ўзига хос муҳим белгиларига (семаларга) эгалиги, бу белгилар ҳажмининг зидлик асос бўйича тенглиги кабиларга эътибор берсак, ушбу оппозицияни эквиолент оппозиция сифатида талқин қилган бўламиз. Агар бой – камбағал лексемалари зидловига “эгалик ва эга эмаслик” белгилари бўйичагина ёндашсак, энди эквиолент оппозиция асосида приватив оппозиция ҳосил бўлади. Ниҳоят бой – камбағал зидланиши орасига “ўртаҳол” семемасини киритсак, эквиолент оппозициядан градуал оппозицияни шакллантирган бўламиз.

Маълумки, Н.С.Трубецкой томонидан тавсия этилган, дастлаб фонология, кейинроқ эса тилнинг бошқа сатҳлари тадқиқотлари учун ҳам қўлланила бошлаган бинар оппозициялар бошқа тилшунослар томонидан янада мукаммаллаштирилди. Шунга қарамай, ушбу тилшуносларнинг ўзлари ҳам бинар таснифлар имкониятининг

чекланганлиги, аниқроғи, тил структурасининг тўлиғича бинар оппозициялар тарзида қурилмаганлигини қайд этадилар (8;30-34). Аслини олганда фарқлиқларни (зидлиқларни) аниқлаш дифференциал белгилар билан иш кўриш демакдир.

Ю.С. Степанов таъкидлаганидек, дифференциал (фарқловчи) белгилар бир-бирига А ва А эмас тарзида қарши қўйилади, дифференциал белгилар бир элементни бошқасидан ажратади (7;43).

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, икки аъзоли таснифлар ва уларнинг кенг қўламдаги мукамаллаштирилган кўринишлари тил системасининг фарқли томонларини изоҳлаб беришда катта аҳамиятга эга бўлди.

References:

1. Сосюр Ф. Труды по языкознанию. – М.: Прогресс, 1977. – С. 141.
2. Хайруллаев М., Хақбердиев. Логика.Предмети ва унинг тарихи. –Т.: Ўқитувчи, 1984.-Б. 98.
3. Бобосов Е.. Диалектика анализа и синтеза в научном познании. –Минск: Из-во АН Белорусим, 1963. –С. 289
4. Трубецкой С. Основы фонологии. – М.: Изд-во Иностранной литературы, 1960. –С. 18.
5. Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. – М.: Наука , 1966. - -С. 365.
6. Исаченко А. Бинарность, привативные оппозиции и грамматические значения //Вопросы языкознания. 1963.№ 2, -С. 38.
7. Степанов Ю. Основы общего языкознания. Учебное пособие. –М.: Просвещение, 1975. –С.43.
8. Абдуазизов А. Фонетика, фонология ва морфологиянинг актуал масалалари // Ўзбек тили ва адабиёти, 1979.№ 3.-Б. 30-34.